

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 119 (10.172)

2004 ЙИЛ 23 ИЮНЬ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июнь кuni Оқсаройда Украинанинг Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университети ректори Виктор Скопенкони қабул қилди.

Бу йил кузда 170 йиллигини нишонлайдиган мазкур университет таркибида ўндан зиёд факультет, қатор институтлар, илмий марказлар, расадхона мавжуд. Унда 20 мингдан зиёд талаба тахсил олади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Украина олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётганини ва Киев миллий университетидек нуфузли илм даргоҳига эга бўлиш ҳар қандай давлат учун катта шараф эканлигини таъкидлади.

Киев миллий университети мамлакатимиз олий

таълим муассасалари, хусусан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ҳамкорликда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари ўтказилиб, талабалар алмашиш, ўқитувчи кадрлар малака ошириши кенг йўлга қўйилган.

Виктор Скопенко қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Киев миллий университети илмий кенгаши Ўзбекистон-Украина муносабатларини ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари, икки мамлакат олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини кенгайтиришга қўшган

беқиёс ҳиссаси, кадрлар тайёрлаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу соҳага кўрсатаётган гамхўрлиги учун Президент Ислам Каримовга мазкур университетнинг Фахрий доктори унвонини беришга қарор қилганини маълум қилди. Мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда Фахрий доктор дипломини топширди.

Президент Ислам Каримов эътироф ва эътибор учун миннатдорлик билдирди. Ушбу унвон таълим соҳасидаги икки томонлама муносабатлар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятлари билан бир қаторда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар йўлидаги ўтуқларнинг ҳам эътирофи эканлигини таъкидлади.

ЎЗА

## КИЕВ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украинанинг Киев миллий университети ректори Виктор Скопенко Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди. Мулоқот чоғида томонлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов билан учрашувда икки олий ўқув юрти ўртасида ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

В.Скопенкога Ўзбекистон Миллий университети Фахрий доктори унвони берилди.



Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Бухоро вилояти деҳқонлари давлат оғборларига 125,5 минг тоннадан ортиқ сара дон топширган ҳолда мамлакатимизда биринчи бўлиб галла тайёрлаш шартнома-режасини бажардилар. Бунда ҳар гектар майдондан ўртача 50 центнердан ҳосил кўтарилди.

«АРК» сугурта гуруҳи компанияси аҳоли учун автотранспорт воситаларини комплекс сугурта қиладиган «Эконом», «Стандарт», «Элит» ва «Эксперт» пакетларини жорий қилди. Эндилқда юридик ва жисмоний шахслар МДХ ва Осий китъасининг бошқа мамлакатларида ҳам йўл-транспорт

ходисалари, табиий офат ва ёнғиндан кўриладиган зарарни сугурталаш имконига эга бўлди.

Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида мамлакатимизда биринчи бўлиб «Битирувчилар ассоциацияси»га асос солинди. Ушбу ташкилот олий ўқув юрти билан собиқ талабалар ўртасидаги алоқаларнинг мунтазамлигини таъминлайди.

Кўкон шаҳрида «Кўкон Хоф Тўқимачи» Ўзбекистон-Германия кўшма корхонаси ташкил этилди. У бир йилда 14,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш, 12 минг тонна калава ип, 3,5 минг тонна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Филиппин пойтахти Манилада бундан 1,5 ой илгари мамлакат президентлиги учун бўлган сайлов натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Глория Арройо Филиппин Президентлиги лавозимини эгаллаши маълум бўлди.

Деҳли шаҳрида Ҳиндистон ва Покистон Ташқи ишлар вазирликларининг икки давлатни бирлаштирувчи минтақада ядро қуроли ҳавфсизлигига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон «Менинг ҳаётим» деб номланган хотиралар китобини ўқувчиларга тақдим этди. Китобдан ўрин олган хотиралар Клинтоннинг Президентлик фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни ўз ичига қамрайди.

Эрон ҳукумати 8 нафар Британия ҳарбий денгизчисини давлат чегарасини кўполлик билан бузганликда айбала, ҳибсга олди. Маълумотларга кўра, Британия ҳарбий денгизчилари Эрон чегарасидан 1 километр масофада ички суварга кириб кетишган.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ АЁЛЛАР МАНФААТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИФОДАЧИСИ ВА ҲИМОЯЧИСИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Аввал хабар қилинганидек, 21 июнь кuni Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни очар экан, Президент Ислам Каримов, аввало, ана шу Фармон нима учун қабул қилинди, унинг бош мақсади нимага қаратилган ва ушбу ҳужжатда белгиланган асосий вазифаларни бажаришда нималарга эътибор қаратиш керак, деган саволларга жавоб топшишимиз ва шу ҳақда фикр алмашиб олишимиз зарур, деди.

Бу масала биринчи галда хотин-қизлар қўмитаси нима учун ташкил қилинган, у нима учун керак, деган муҳим бир саволни ўртага қўнганда кўйишни талаб қилади. Бу савол қандай галати тўғрисида, унинг замирида жуда катта маъно бор.

Шу нуқтаи назардан қараганда, хотин-қизлар қўмитаси назарда аввало жамоатчилик ташаббусини муассасамизда таъдиллаш, деб таъкидлади Президентимиз. У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлари орқали аёлларнинг ўз ҳақ-қўқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиши, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Агарки, биз эртанги кунимизни чўқурроқ тасаввур этадиган бўлсак, Хотин-қизлар қўмитасини фуқаролик жамиятининг тўқмаънодаги узвий бир қисмига айлантириш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Биз фуқаролик жамияти ҳақида кўп гапиримиз, аммо, очик айтиш керак, унинг маъно-мазмунини, шакл-шамойилини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси - бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқимча босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаолиятини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат.

Биз ўз олдимишга қўйган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси мана шу ва шунга

ўхшаш жараёнларда ўз ифодасини топиши зарур.

Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Албатта, мана шундай интилишларни амалга ошириш мақсадида давлат, давлат тизими ва ҳокимият четда турмасдан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссасини қўйиши керак.

Яъни, қисқа қилиб айтганда, хотин-қизлар ҳаракатининг жойлардаги ва марказдаги фаолиятини ўзида мужассам этган Республика Хотин-қизлар қўмитаси ишда юқоридан зикр этилган икки йўналиш ўйғунлашган бўлиши лозим. Афсуски, бизда ханузгача Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолияти ва мақсадини айнан шундай тушуниш етишмаяпти, деди Ислам Каримов. Бунинг сабаблари ҳақида гапирганда, шунга айтиш керакки, хотин-қизлар қўмитаси бизда кўпроқ давлат ҳисобидан молиялаштирилмайдиган ва ўз фаолиятида маъмурий бошқаруви асосида, яъни юқоридан туриб буйруқ-қўрсатма ва топшириқлар бериш усулидан фойдаланадиган давлат тузилмаси каби қабул қилинади.

Марказда ҳам, жойларда ҳам аҳвол ана шундай. Хотин-қизлар қўмиталарини бошқарадиган аксарият фаолларимиз мансаб курсисига ўтириши билан аёллар жамоатчилигидан ажралиб қолади ва иш юритишда асосан маъмурий-буйруқбозлик услубига ўтиб олади.

Давоми 2-бетда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА САТРАЛДАР

• **КЕЧА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида шахримизда меҳмон бўлиб турган Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университети ректори Виктор Скопенко билан учрашув уюштирилди.

• **ШАХРИМИЗДА** кимёвий қуролга қарши кураш халқаро ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кимёвий қуролдан зарарланганларга ёрдам бериш, ушбу офатли қуролнинг ишлаб чиқарилишига қарши биргаллашиб курашиш масалалари муҳокама қилинди.

• **БУГУН** Чилонзор туманидаги 281, 179, 101-мактаблар қошида очилган ёзги оромгоҳларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ўтказилган тренингларида «Камалак» болалар ташкилотининг туман бўлими сардорлари иштирок этишди.

• **КЕЧА** Бектемир туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғибот-ташвиқот қилиш ишларининг амалга оширилиши чоралари муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ АЁЛЛАР МАНФААТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИФОДАЧИСИ ВА ҚИМОЯЧИСИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Давоми. Боши 1-бетда.

Бу кўмиталарда ишлаётган кўпчилик раҳбарлар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакили эмас, балки хотин-қизларни бошқариш учун қўйилган давлат ходимлари, деб ҳис қилади, ўзини асосан давлат бошқарувчиси, давлат қозғаратчиси, деб кўрсатади. Ўз иши ва фаолиятининг мақсадини ҳам худди шундай тушунади.

Бундай ёндашув эса нимага олиб келиши маълум: аёлларимизнинг кайфияти ва ҳақиқий аҳволи, муаммолари ва манфаатлари четда қолиб кетади. Натижада бундай кўмиталар билан оддий хотин-қизлар ўртасида узиллиш пайдо бўлади ва бу узиллишни авваллабор шу соҳага масъул бўлган одамлар, афсуски, сезмай юрибди.

Аслида эса, хотин-қизлар кўмиталарида амалдорлар - бюрократлар эмас, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида ҳис қиладиган фаоллар иш олиб бориши шарт, деди Президент.

Опа-сингилларимиз орасида фаолият олиб боришда қуролтойлар, хотин-қизлар кўмиталарининг конференцияларини ўтказиш каби иш юритишнинг демократик шакллари деярли ишламапти, уларнинг амалий самараси сезилмапти. Холбуки, ишга айнан ана шундай ёндашув орқали аёлларимиз, қизларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиши, шу тарика куйидан, жамоатчилик орасидан чиқадиган тақлиф-ташаббусларни аниқлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Хотин-қизлар кўмитаси, гарчи давлат томонидан молиялаштирилган бўлса-да, аслида у биринчи навбатда фуқаролик жамиятининг бир институти сифатида аёлларимизнинг ижтимоий манфаатларини ифода этадиган ташкилот эканини унутиб қўйган. Хотин-қизлар кўмитаси фуқаролик институтига хос иш шаклларида бутунлай узоқлашиб, «давлат вакили» деган жуда қулай мақомга ўтиб олган. Бундай иш услуби бугунги кун талабларига асло жавоб бермайди.

Албатта, давлат Хотин-қизлар кўмитасидан турли тадбирларни ўтказишда ёрдамни аямайди, лекин бундай тадбирларнинг маъно-мазмуну ва йўналиши аёлларнинг ўзлари томонидан, хотин-қизлар ташкилотлари томонидан шакллантирилиши лозим. Яна бир бор такрорлайман, биз фақат моддий мадад кўрсатишимиз керак, аммо тадбирларни уюштириш ташаббуси, уларнинг маъно-мазмуну куйидан - фуқаролик жамиятининг вакиллари бўлиши хотин-қизлар ташкилотларидан чиқishi керак, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бу кўмиталарда фаолият олиб бораётганлар жамоатчилик олдидан, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдидан амалда ҳисоб бермайди. Бу мутлақо нотўғри. Туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида хотин-қизлар кўмиталарининг жамоатчилик олдидан - делегатлар олдидан эмас, балки хотин-қизларнинг жамоатчилик ташкилотлари олдидан мунтазам ҳисобот бериб туришини таъминлайдиган тизим жорий этилиши лозим.

Хотин-қизлар кўмиталарининг ахборот ва матбуот хизматлари билан алоқалари ҳам талаб даражасида эмас. Аёллар хаётини ёритадиган матбуот нашрлари қандай мавзу ва муаммоларни кўтариб чиқаётгани, улар ўз ўқувчилари, биринчи навбатда, ёш хотин-қизларга қандай таъсир кўрсатаётгани, уларнинг фаолиятига таъкидий баҳо бериш масалалари ҳам маъзур кўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Бугунги кунда юртимиз аёллари хаётининг барча соҳаларида - ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари, жамиятдаги мавқеи ҳам ўзига хос ва турлича бўлиши табиий.

Масалан, уларнинг маълум бир тоифаси шаҳар, туман ва республика миқёсидаги турли тузилмаларга таъинланган ёки сайланган аёллар бўлиб, улар, минг афсуски, асосан ўзларини, ваколатини намойиш қилишга, бошқа аёллардан аж-

ралиб туришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолат бизда мавжуд ва уни очиб айтишимиз керак.

Яна бир тоифа - хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, тадбиркорлик, тижоратчилик фаолиятида ўзи учун қулай имконият ва имтиёзлар яратишга, ўз манфаатларини таъминлашга ҳаракат қиладиган аёллар. Уларнинг сафи бугунги кунда тобора кенгайиб бормоқда ва биз уларга ўрта синф вакиллари сифатида қарашимиз, тегишли ёрдам ва кўмак беришимиз лозим.

Айни пайтда хотин-қизлар, аввало қишлоқларда яшаётган опа-сингилларимиз орасида бизнинг эътиборимиздан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган аёллар борлигини ҳам таассуф билан тан олошимиз керак, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Табиийки, ҳаётда бўшлиқ бўлмаганидек, бундай хотин-қизларга ўзига хос таъсир кўрсатишга уринадиган аёллар ҳам топилади. Улар тўй-маъракалар, турли урф-одат, дафн ва бошқа маросимларда кўпчиликка бош-қош бўлиб, ишбошлик қилади. Уларнинг номини отиний дейдимиз, дастурхончи ёки кайвони дейдимиз, ҳар бир маҳаллада учрайдиган бундай аёлларсиз ҳаётда кўпгина юмушлар битмайди.

Биз бир нарсани ҳисобга олишимиз даркор. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини - ҳаммамиз учун муқаддас, халқимизнинг асосий қисми шу динга эътиқод қилади. Шу дин билан боғлиқ урф-одатларга мусулмон фарзандлари сифатида барчамиз ҳам риоя қиламиз. Бу - инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, маҳаллалар хотин-қизлари орасида ана шу урф-одатларга тўла амал қилинаётгани ҳам - бор ҳақиқат. Буни кўрмаслик ва сезмаслик мумкин эмас. Шу сабабли бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш, жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари, диний ташкилотлар улар билан ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу борада бизнинг ҳаёт тарзими, миллий-диний қадриятларимизга зид бўлган носоглом қарашларга, жангарилик, мутаассиблик кайфиятларининг тарқалишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Президент ўз фикрини давом эттириб, бугун хотин-қизлар кўмиталари, жумладан, республика, вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларининг фаолиятини замон талаблари асосида танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, ушбу кўмиталарнинг раҳбар ва фаоллари ишини юқорида билдирилган мезонлар буйича ҳолисона баҳолаш кераклигига ҳам тўхталиб ўтди.

Мажлисда Ислом Каримов аёлларни иш билан таъминлаш, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим-тарбия соҳасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Хотин-қизлар ўртасида бандлик масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш лозим. Давлат томонидан кўрсатилган ёрдам билан бир қаторда, биринчи навбатда, уларнинг ўзларига ишлаб даромад топиш учун имконият туғдириш керак. Бу йўналиш вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик фаолиятини ташкил этиш ва шу сингари аёлларнинг ижтимоий бандлигини таъминлайдиган кўплаб усуллари ўз ичига олади.

Қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда биринчи ва энг муҳим кадам - уларни иш билан таъминлашдир. Аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, у мустақил бўлади ва ўзини ўзи ҳимоя эта олади. Ҳар қандай иш - аёлнинг мустақиллиги, фаол турмуш тарзининг биринчи шартидир.

Аёл иш билан банд бўлмаса, ижтимоий ҳужжатдан фаол бўла олмайди. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш учун биринчи навбатда маъзур йўналишда қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, уларни махсус изоҳлар билан алоҳида тушунлаш шаклида нашр этиш керак. Шу билан бирга, уларнинг қандай бажарилаётганини баҳолаш ва текшириб

кўриш зарур. Ва ана шу ишларнинг натижасини мамлакатимиз парламенти ва ҳукуматининг махсус йиғилишида кўриб чиқиш лозим. Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини текшириш ва уларни бажармай келаётганларни жавобгарликка тортиш керак.

Дунёда, ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича - бу скрининглар бўладими, патронаж ва бошқалар бўладими - қандай замонавий усуллар, ускуна ва воситалар, илгор иш шакллари ва институтлардан фойдаланилаётганини ва бундай тажриба бизда қандай қўлланилаётганини аниқлаш лозим, деди Президентимиз. Бу институтларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш учун, аввало, тегишли молиявий манбаларни топиш зарур.

Бу мақсадларни амалга оширишнинг бош шарти оилага бўлган эътибор билан белгиланади. Бу ўринда гап оилада болалар тарбияси учун яратилган шароит, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш ҳақида бормоқда. Қайси оилада муҳит соғлом бўлмаса, ўша ерда ахлоқи бузуқ, ноқобил болалар пайдо бўлиши барчага аён.

Шу масалаларни ечиш учун хотин-қизлар кўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, бир ёқадан бош қариб ишни ташкил қилиш лозим. Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини - бу маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши керак.

Лекин бу ўта муҳим масала фақатгина ана шу ташкилотларнинг вазифаси эмас. Ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик, гивъандлик каби иллатларнинг олдини олишда, фарзандларимизни бундай бало-қазолардан асраш учун курашда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашда ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, хусусан, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича кўмита, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» маркази, кенг жамоатчилик, барчамиз масъулмиз, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг социал ва ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига ҳам атрофлича тўхталиб ўтди.

Бу борада хотин-қизларнинг сайланган, вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини таъминлаш муҳим аҳмиятга эга. Жамиятимиздаги билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, уларга кенг йўл очиб бериш керак.

Шу борада нодавлат жамоат ташкилотларини ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб, Президентимиз уларнинг мақоми ва имкониятларини мустаҳкамлаш, юзага чиқадиган муаммоларнинг ечимини топиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлигини айтиб ўтди. Шу йўналишнинг хал қилувчи масалаларидан бири - бу хотин-қизларнинг таълим ва малака даражасини ошириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон бугун бутун дунёда ўзига муносиб обрў-эътибор қозонмоқда, деди Юртбошимиз ўз сўзини давом эттириб. Бу жараённинг узвий ва ажралмас қисми - опа-сингилларимиз, қизларимизнинг халқаро майдонга чиқишида намоен бўлади. Бунда айниқса хотин-қизлар кўмиталари, аёллар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда фаолият олиб борадиган ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш бениҳоя катта аҳамиятга эга.

Ана шу долзарб масалаларни оқилона ҳал этиш орқалигина биз ўз олдимиизга қўйган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш вазифасини хал этишимиз, эзгу мақсад-муддаоларимизга етишимиз мумкин, деб таъкидлади Президентимиз пировардида.

## Иқтисоқий

### ХАРИДОРГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Ақмал Икромов туманида фаолият юритаётган корхоналар орасида «МАКВОИЛ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ички базоримизни сифатли, харидоригр маҳсулотлар билан тўлдиришга астойдил бел боғлаганилиги билан алоҳида ажралиб туради.

2003 йилда иш бошлаган, 45 нафар малакали ишчи-хизматчилардан иборат жамият аъзолари бугунги кунга келиб 11 турдаги хушхўр макрон маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар. Уларнинг ҳаммаси жаҳонга машҳур «Molyani» савдо маркази остида тайёрланиб 300, 400, 1000 ҳамда 1300 грамм ҳажми қилиб, чиройли қадқоланмоқда.

— Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун замонавий дастгоҳ ва ускуналар зарур, — дейди «МАКВОИЛ» масъулияти чекланган жамияти бошқарув раиси Сергей Бачурин. — Шу боисдан ҳам цехларимизга Италия давлатидан «Lamon Sirina» етакчи фирмасининг юксак самарадан вакуумли макронлар тайёрлашга мўлжалланган ускуналари ҳамда автомат-курткичларни келтириб ўрнатдик.

Мазкур корхонанинг маҳсулотлари нафақат пойтахтимиздаги 50 дан ортиқ йирик савдо нуқталарида, балки Наманган, Андижон, Қўқон, Бухоро, Қарши каби кўплаб шаҳарларда ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Келгусида эса корхона тадбиркорлари ана бир янги технология линия сотиб олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишни режалашганлар.

### ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Пойтахтимиздаги жуда кўплаб корхона, ташкилотлар каби «Тошсисқува» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ишчи-хизматчилари унумли меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратишга интилмоқда.

Ушбу мақсадлар учун бирлашма ходимларининг фарзандларига 3 миллион сўмлик 40 та йўлланмани корхонанинг касабга уюмаси ажратди. Хушманзара тоғ баргидаги «Шодик» оромгоҳида дам олиш йўлланмасининг баҳоси 75 миң сўмлик бўлиб, ота-оналарга у бор-йўғи 10-12 миң сўмга тушди.

Шунингдек, ёзги мавсумда бирлашманин 3300 нафар ишчи-хизматчиларидан янми ириқиб ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклашлари мақсадида «Тошкент денгизи» дам олиш зонасини корхона ижарага олган ҳамда бирлашма томонидан қатъий жадал асосида транспорт қатнови йўлга қўйилган.

«Янги дам — меҳнатга ҳамдам» деганларидек, бирлашманин барча эзгу ишлари жамоа аъзоларининг ёз мавсумда мароқли дам олиб, баракали меҳнат қилишларига қаратилган.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

## Алоқа СОҲА ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилаётган техникавий ладбирлар мамлакатимизда ахборот бошқариш тизimini яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Интернет ва бошқа ахборот тармоқлари орқали давлат бошқаруви ҳамда фуқаролар ўртасидаги алоқани ташкил этишни янада яхшилаш масаласи ҳам кун тартибига қўйилмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан шу йўналишда аниқ режалар белгилаб олинди. Хабар берилганидек, «Электрон ҳукумат: Ахборот жамияти сари ривожланиш йўлида» деган мавзуда Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда агентликнинг бу соҳадаги фаолиятига ҳам яхши баҳо берилди.

Анжуманда Ўзбекистонда электрон ҳукуматнинг ривожланиш истиқболлари ҳам белгилаб олинди.

## МАРКАЗНИНГ ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТИ

Фан-техника ва марке-тинг тадқиқотлари маркази томонидан амалга оширилаётган изланишлар мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи фаолиятини янада яхшилашда муҳим илмий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказ алоқа ва ахборотлаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда бой тажриба орттирган. Бу эса соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш имконини бермоқда.

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси жамиятига бағишланган ўтказилган анжуманда меъёрий ҳужжатларнинг мониторинги, илмий-техник тадқиқотларда эришилаётган ютуқлар кўриб чиқилди.

Марказ фаолиятининг яна қатор йўналишлари белгилаб олинди.

## ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА

Ахборот-компьютер технологияларини ривожлантириш борасида ҳам республикаимизда ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги ютуқлар умумжаҳон компьютер ўйинлари ташкилий қўмитаси томонидан ижобий баҳоланди.

Шунга кўра Ўзбекистон вакиллари «WCG-2004» халқаро компьютер ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шу тадбир олди-дан республика чемпио-нати ўтказилди. Ушбу беллашувнинг умумжамоа ҳисобидаги ўйинларида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Ярослав Ҳасанов фаворитлиги қўлга киритди.

У Тошкентда ўтказилган финал ўйинларида қатнашадиган бўлди.

Акбар АЛИЕВ

## Қўшма корхоналар фаолиятида

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Ўртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган кичик корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлик раўнақига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган «ТЕЗИНТОМ» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳам ана шундай тадбиркорлик субъектларидан бири бўлиб, ўзининг сифатли, рақобатбардош курилиш маҳсулотлари билан нафақат республикада, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам танилмоқда.


Мазкур корхона 10 йилдан ортқроқ вақтдан буён ўзининг импорт ўрнини босувчи, кўркам, чидамли, ишлатишда қўлай бўлган металл черепицаларни ишлаб чиқармоқда. Ушбу камалак рангларидagi полимер қопламали черепицалар учун керакли бўлган таркибий қисмлар шу ерда тайёрланади.

Шунингдек, осма шифт, девор панеллари, қуйма металлдан эшик, дарвоза, панжара, торшер, қандил, бралар мижозларни мамнун қилиши аниқ. Жумладан, ресторан ҳамда қаҳвахоналар учун мўлжалланган турли мебеллар ҳам харидорлар хоҳиш-истагига биноан тайёрланади. Масалан, Чорвоқдаги дам олиш масканидаги бинолар, «YUNUSOBOD» бозори каби кўплаб муҳташам бинолар ва иншоотларни корхона маҳсулотлари беэаб турибди.

Ўтган йилда корхона ишчи-хизматчиларининг саяё-ҳаракатлари самараси ўлароқ, бу ерда 101738,1 минг сўмлик маҳсулотлар, жумладан хорижий буюртмачиларга шартномага кўра 284,497 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотлар сотилди. Улардан олинган соф фойда 26,3 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг I чорагида эса мазкур жамоа аҳли 291362 минг сўмлик маҳсулотларини буюртмачиларга ўз муддатларида етказиб берди.

Бундай ютуқларга ўтган давр мобайнида биринчи навбатда цехлардаги хорижий, замонавий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар, малакали, ўз касбига меҳр қўйган 80 нафарга яқин ишчи-хизматчининг унумли меҳнатлари асосий омил бўлди. Масалан, Германия дав-

латидан келтирилган «МЕЕН» ҳамда «НЕВО» технологияси, Финляндиянинг жаҳонга машҳур етакчи фирмаларининг дастгоҳ ва ускуналари қатор афзалликларини билан уларда меҳнат қилаётганларга қўл келмоқда. Шу ўринда Жанубий Кореядан келтирилган сифатли хом ашёни ҳам



айтиб ўтиш ўринли.

— Давлатимиз томонидан бизга кенг имкониятлар берилган, — дейди «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси бош менежери Бахтиёр Маҳмадиев, — самарали фаолият юритишимиз учун етарлича шарт-шароитлар муҳайё этилган экан, бунга ўз изланишларимиз, ички базоримизни чуқур ўрганишимиз, меҳнатимиз билан жавоб беришимиз керак, албатта. Доимо ҳаракатдамыз, зеро, халқимиз «Ҳаракатда баракат» деб бекорга айтмайди.

Бир неча йил аввал қўшма корхона янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда



янги иш ўринлари яратиш мақсадларида «Ипак йўли» акционерлик инновация банки томонидан берилган кредит ҳисобига нисбатан арзон черепицалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган хорижий, замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтириди. Шунингдек, корхонада кенг истеъмол моллари — дала-ҳовиллар учун мебель термалари, каминлар, илгич ҳамда осма чироқлар каби жуда кўплаб сифатли, кўркам, чидамли маҳсулотлар ўзининг жозибаси, нақшларининг бетақрорлиги билан буюртмачиларни қувонтирмоқда.

Қўшма корхона раҳбарияти ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига катта аҳамият қаратади. Улар бепул тиббий кўриқдан ўтказилади, корхона ҳудудига тиббиёт пункти мунтазам ишлаб туради, малакали терапевт-шифокор хизматидан фойдаланиш мумкин. Ишчиларга махсус кийим, иссиқ тушлик ҳамда йўл чипталари корхона ҳисобидан берилади. Улар таътилларида яхши ҳордиқ чиқаришлари ва соғлиқларини тиклашлари учун касабга уюшмаси эътиборида.

Хуллас, корхона тадбиркорлари жорий йилда ҳам суръатни сусайтирмаган ҳолда иш юритмоқдалар ҳамда йил охиригача янги маҳсулот турларини ўзлаштириш учун интилоқдалар. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу ҳаракатлар эртага албатта, ўз самарасини беради.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: «ТЕЗИНТОМ» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти қатор янги тиббий техника воситалари билан жиҳозланди. Бунда хорижий ташкилотлар кўмағида амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Табииёт

## ГЕМОГЛОБИН МИҚДОРINI АНИҚЛАЙДИ

Илмий муассаса кейинги ойлар ичида чет эл халқаро грантини қўлга киритди. Ажратилган бу маблаг асосида олиб борилаётган изланишлар самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилди.

Халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамда Япония ҳукумати ёрдамида

юборилган замонавий аппаратлар эса қон таркибидаги гемоглобин миқдорини аниқлашда қўл келади.

Бу тиббий техника воситалари камқонлик муаммолари бўйича илмий-амалий изланишларни амалга оширишда ҳам ишлатилади.

Аҳмад АББОСОВ

## Маълумлар

## ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Сергели тумани марказлашган кутубхона тизимига қарашли Уйғун номли болалар кутубхонасида «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловда Обидова номидagi марказий кутубхонанинг «Юлдузча», 2-болалар кутубхонасининг «Камалак» ва Уйғун номидagi болалар кутубхонасининг «Қалдирғоч» гуруҳлари иштирок этишди. Гуруҳларнинг ранг-баранг чиқишларини томошабинлар гулдурас қарсақлар билан кўтиб олдилар. Хақамлар хайъати аъзолари гу-

руҳдаги иштирокчиларнинг йил бошидан қанча китоб ўқиганликлари, берилган саволларга қандай жавоб берганликлари каби танлов шартларига ҳолисона баҳо бердилар.

Танлов иштирокчилари ижросида қизиқарли шеър, қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Танлов якунига кўра Уйғун номидagi болалар кутубхонасининг «Қалдирғоч» гуруҳи фаворитлиги қўлга киритди. Танлов иштирокчиларига ҳақамлар хайъати томонидан совғалар тақдим этилди.

Светлана КОДИРОВА

## Мағбурлар

## ЁШЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЁРУФ БЎЛСИН

Ёшлар бизнинг келажакимиз, эртанги кунимизнинг қароғон юлдузлари, жамиятимизнинг ишончли ва садоқатли вакиллари. Аммо улар орасида билим-билмайми боши берк кўчаларга кириб кетиб, тўғри йўлни тополмай сарсон-саргардон юрганлари ҳам афсуски топилади. Улар ҳаётнинг қора нуқталари каби из қолдиради онгимизда.

Кўни кеча Республика олимпия заҳиралари коллежиде «Гивевандлик спортнинг душмани» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Уни «Маънавият ва маърифат» маркази Чилонзор туман бўлими ва Республика Олимпия заҳиралари коллежи ҳамкорликда гивевандлик кўни муносабати билан ўтказилди.

Тадбирда Олимпия заҳиралари коллежи тиббий бўлим шифокори Анвар Қидирбоев, коллеж раҳбарининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича ўринбосари Ш.Абдуллаевлар сўзга чиқиб, бу зарарли иллатнинг олдини олиш чора-тадбирлари, бу борада олиб борилаётган ишлар, гивеванд моддаларини истеъмол қилишнинг бўлғуси спортчилар учун хавфли томонларини айтиб ўтдилар.

Шундан сўнг талабалар иштирокида «Оғузиш дунёга қадам ташлагин» мавзусида уюштирилган асфальтга расм чизиш танлови фойдаларини кўтлаш маросими бўлди. Бунда мазкур ўқув юрти талабаларидан биринчи ўринни «Табият қўйида» мавзуси учун Акмал Маматов, иккинчи ўрин «Наркологияга қарши кураш» мавзусида расм чизган. У.Боймуродовга, учинчи ўрин эса Ж.Мансуров ва Э. Ходжаевларга насиб этди.

Талабалар коллеж маъмурияти томонидан Фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Атроф-муҳит муҳофазасининг белгиларидан яна бири — бу ўзимиз яшаб турган мамлакатимиз, шаҳримиз, туманимиз ва кўчаларимизнинг озодгарчилиги ва ободонлашганлигидир.

Муносибат

ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

Она табииати муҳофаза қилиш, бу ўзимизнинг ва барча инсонларнинг соғлиги, келажақ авлодлар ҳаёти билан боғлиқ муҳим ижтимоий масаладир.

Кейинги йилларда шаҳримизнинг санитар ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш йўлида талай юмушлар қилинмоқда. Кўмитамиз назоратчилари туманлардаги ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда режа-жадвал асосида бўлиб, атмосфера хавосини тоза сақлаш, сув ва сувдан оқилона фойдаланиш, сув хавзалари ифлосланишининг олдини олиш, табииати муҳофаза қилишда доимо фидойилах кўрсатиб келмоқдалар. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган деярли барча йирик корхоналар

лигини янада ёрқинроқ кўрсатган ўт-ўланлар иссиқ таъсирида қуриб, сарғай бошлади. Баъзи эътиборсиз қимсалар томонидан бу ўтларни ёқиш ҳоллари учраб турибди, бунда нафақат ўт-ўланлар, балки атрофдаги дов-дахлар ҳам шикастланмоқда, ёқилганда тутун эса кишилар соғлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Эз фаслидан сўнг куз фасли

Хозир ёз фасли, баҳорда кўм-кўк бўлиб ҳаммамнинг диллини қувнатаётган табииатнинг гўзал

келиб, бу фаслнинг ўзига яраша хислатларидан бири — хазонрезги кунлари бошланади. Бу вақтда шаҳримизнинг кўп жойларида, маҳаллаларда хазонлар ва ахлат-чиқиндилари уюмларини таққиланган жойларга ташлаш ҳоллари учраб туради.

Шаҳримизга тоғлардан келадиган дарёлар об-ҳаётимиз манбаи, ризқи рўзимиз, ноз-неъматларни яратувчи бебаҳо бойлигимиздир. Дарёлар сувининг мўл-кўл бўлишида, шифобахш хосиятларида булоқ-чашмаларнинг аҳамияти катта. Бўстонлик тоғларида 700 дан ортик карст булоқлари табиати ўрганилиб, уларнинг ер сатҳига чиқиш жойларининг хариталари тузилган. Бу булоқлар ер ости карст сувларининг турли «поғона»ларида, яъни гидродинамик зоналарга боғлиқ бўлиб, шу зоналардан тўланади.

Сув — ҳаёт манбаи

ҚАЙНАР БУЛОҚЛАР

Бўстонлик бўйлаб сайр қилсангиз, турли баландликдан ёки дарё ва йиларидан тўйнаб чиқиб шарқираб оқаётган сувлар а дуч келасиз. Агар сиз кўрган булоқларингизни баландликлари бўйича тоғ ёки дарё водийларининг кўндаланг кесимига қўйиб чиқсангиз, ушбу булоқлар кўп қаватли бўлиб сафланишади.

Келажақда, уларнинг айримларини водопровод орқали яқин орадаги аҳоли пунктларига ва дам олиш зоналарига «тортик» қилиш мумкин: Иккинчи гуруҳ булоқлар эса дарё водийларидаги террасалардан чиқиб, атрофдаги қишлоқлар ҳамда дам олиш уйлари суви билан таъминлайди. Сўнгги учинчи гуруҳ булоқлар эса дарё ва сой ўзанидан чиқувчи ва сερсувлуги билан бошқа гуруҳлардан ажралиб турувчи «қайнар» булоқлардир. Бу булоқлар баъзан сойларни йил давомида оқар сувлар билан таъминлаб туради.

Муназарра

ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Шаҳримиз кундан кунга ўзгариб, гўзал ва обод бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари давлат тасарруфидоги корхона ва муассасалар томонидан жадал олиб боришмоқда. Бунга ақвол мисол қилиб қуйидаги корхона, ташкилотларни келтириш мумкин.

Баҳорги экин мавсумида кўмитамиз томонидан 5,5 миллион сўм ажратилган бўлиб, шу ҳисобдан 11 та туман ободонлаштириш бошқармалари ва 17-мактаб, болаларнинг 4-сон юқумли касалликлар шифохонаси, 555-болалар ботчаси, А.Икромов туманидаги касб-хунар коллежи, «Био-эко-сан» каби ташкилотларга ҳар хил турдаги дарахт кўчатлари берилди.

томонидан ободонлаштирилмоқда. Йўлнинг икки томонига «Тошбошрежа» миллий-тадқиқот идораси томонидан ишлаб чиқилган режа асосида замонавий кўп йиллик заранг, шумтол, сафара ҳамда кишин-ёзин яшил бўлиб ўсувчи игна баргли дарахтлардан-можевельник ва туватон экилмоқда.

Минг афсуски, бугунги кунга келиб шу йўлда жойлашган аҳоли томонидан шахсий моллар боқилиб дарахтларимиз, яшил ўтларимиз пайҳон қилинмоқда. Бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида кўмитамиз томонидан кенг омма орасида, маҳалла ҳудудларида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу қилинган саъй-ҳаракатларимизнинг самара бериши ва табииат атроф-муҳитимизнинг соф-мусаффо бўлишини таъминлаш ҳар бир фуқароимизнинг бурчидир.

А.АБДУЖАЛИЛОВА, кўмита ўсимликлар ва ҳайвонот дўнбеси бўлими бошлиғи



№ 6 (146) Тошкент шаҳар табииати муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



Корхоналарда

ШАРТНОМА АСОСИДА

Тошкент шаҳар табииати муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари томонидан А.Икромов туманида жойлашган «Хисоблаш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси» табииати муҳофаза қилиш фаолияти бўйича текширилди.

Текширув жараёнида корхонанинг асосий иш фаолияти ҳисоблаш техникаси ностандарт дастгоҳларини таъмирлашдан иборат эканлиги маълум бўлди. Умумий ер майдони 17970 метр, шундан 5832 метри ишлаб чиқариш бўлиmlаридан иборат.

Умумий ишчилар сони 152 киши. Корхона ҳудудида бўёқлаш, ёғочни қайта ишлаш, ёзув машиналарини таъмирлаш, чи-

лангарлик, ностандарт дастгоҳларни ишлаб чиқариш бўлиmlари мавжуд. Ишлаб чиқариш бўлиmlари учун атмосфера хавосига зарарли моддалар чиқариш манбаи рўйхати тузилган ва кўмитада тасдиқланган бўлиб, унга амал қилиш муддати 2005 йилгача.

Атмосфера хавосига чиқариладиган манбаларга чанг-ғаз тозалаш қурилмалари

ўрнатилган. Тозалаш қурилмалари паспорт кўмитада тасдиқланган.

Корхона суви шаҳар «Сувсоз» трестидан шартнома асосида олади. Ишлатилган оқова сувлар канализация тармоғига ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли қарори бўйича корхонада 2003 йилнинг 8 ойи учун ҳисоб-китоб ишлари қилинган.

Текширувда корхонада 50 дона яроқсиз люминисцент лампалар ўз вақтида утиллаштирилмагани маълум бўлди ва натижада кўмита нозирлари томонидан корхона бош муҳандисига 7000 сўм миқдорда жарима солинди.

Т.ТУРОБОВ, давлат нозир.

Сирли олам

АЛДОҚЧИЛАР ТАШРИФИ МАН ЭТИЛАДИ

Агар сизни Малайзия бўйлаб саёҳатга тақлиф этишса, йўқ демасдингиз, тўғрими? Аммо баъзи-баъзида «билмасдан» ёлгон гапириб юборувчилар Малайзияга боришга шошилмай туришсин.

Гап шундаки, у ерда мўъжизавий тош бор. Тошнинг ёриқлари орасига бармоғингизни қўйиб беҳосдан ёлгон гапириб юборсангиз, тамом! Тош бармоғингизни ўша заҳоти шартта қисиб қолади.

ЛИМОНЛИ СОАТ

Сиз чойга солишни хуш кўрадиган лимондан бир инглиз соатоси электр токи олишда фойдаланмоқда. У лимонга руҳ ва мисдан ўтказгич улаб, электрон соатни ишлатиб юборди. Кўп ўтмай соат тўхтаб қоландир, деб уйлаларсиз. Йўқ бу антиқа соат роппа-роса 5 ой ишлади.

ҚОПЛАРЛАР ТОПИЛДИ

Ҳа, дарвоқе гап айлиб ҳайвонларнинг йўқолиб бораётгани устида кетётган экан, шунга айтиш лозимки, Осиёдаги қоплонларни алдиқан қилиб кетган деб ҳисоб-

лашарди. Лекин сиз бунга ишонманг. Сабаби, Эрон ҳудудида 15-20 тага яқин қоплонлар борлиги аниқланди. Бундан ташқари одамлар «йўқолиб» қоплонлари Хиндустон чангалзорларида ҳам учрашмоқда.

ТЕМИР БАҚА

Темиртан бақани Хиндустондан, на Африкадан топасиз. Хозирча у фақат олимларнинг синов хоналарида мавжуд.

Гап шундаки, тиниб-тинчимас олимлар робот-бақа яратганлар. Унинг хотирасига росман бақанининг ҳамма феъли ёзилган. Роботи қурмағур сувда сузишни, сакрашни, қумроқларни овлашни ҳам қойиллати.

«БЕМИННАТ» ЁРДАМЧИЛАР

Курулқимда яшайдиган қизил

Шифобахш неъматлар

САРИМСОҚНИНГ ХОСИЯТИ

Пиёзбошларга мансуб икки йиллик сабзавот ўсимлиги бўлган саримсоқнинг асли ватани Тянь-Шань тоғларидадир. Эндиликда у жаҳон пазандчилигида жуда кенг тарқалган. Чунки таркибида углеводлар, оксиллар, ҳужайра моддаси, ифори мой, дармондорилар ҳамда маъданли моддалар кўп. Унда яна фитонцид деган аччиқ модда ҳам бўлганлиги сабабли бу сабзавотни доривор ўсимликка айландрлики, айниқса грипп, ўпка касалликлари, ошқозон, ичак, буйрак хасталиклари, йирингли яраларни тузатишда, халқ табобатида катта аҳамият касб этади.

Саримсоқнинг пиёзбоши қисми ҳамда унинг мурғак барглари озиқ-овқат махсулоти ҳамда шифобахш омил сифатида истеъмол қилинади. Таркибида В, С, дармондорилари, гликозид аллеин, азотли моддалар, минерал тузлар, 20-27 фоиз полисахаридлар сақлабди. Илгари саримсоқ қулини асал билан аралаштириб темиртақдига малҳам тайёрланган. Саримсоқ қайнатмаси ичилса, овоз очилиб раvon бўлиши, оғиз чайлиса тиш оғриги, сурункали йўтал ва нафас қисилишига даво бўлади.

Саримсоқни шихатанин озиқ билан бирга овқатнинг ҳам бўлишига ёрдам беради ва кон томиларини кенгайтириш билан бирга танани юқумли касалликлардан муҳофаза этишда катта хизмат қилади. Агар сўғал ёки қадоқни кетказиш керак бўлса, унда саримсоқнинг пиёзбошини эзиб, бўтқа ҳолига келтирилади ва унга тенг миқдорда ёғ қўшилади.

Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг шахсий табиии Юсуф

бин Мухаммад Юсуфийнинг «Тиббий рисоласи»да эса саримсоқ ҳақида шундай дейилган: Саримсоқ пишириб тановул қилсанг, Эски йўталларга қилгуси у наф. Агар нонуштада хомини есанг, Кориндаги куртни айлағай у даф. Шу қадар фойдали бу неъматни кўпчилик ҳомлигича ейишни хоҳламайди. Чунки унинг ўта қўланса хиди бор ва бир қанча вақт оғиздан буруқсиз туради. Бу эса кишининг ўзингача эмас, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам гашига тегади. Пиширилган саримсоқнинг хиди анча қирқилса ҳам, бабириб батамом йўқолмайди. Масалан, ўзбек пазандчилигида уни лағмон, шўрва, падалова солиб пиширилади.

Саримсоқ хидини пиширидангина эмас хомлигида қандай қилиб йўқотиш бир неча асрлардан буён муаммо бўлиб келади. Жуда кўп ури-

нишлар сира натижа бермади. Япониялик селекциячи Цузуки Теки 1950 йилдан бошлаб хидсиз саримсоқ яратиш устида тинмай иш олиб боради. Бу борада у суний таянлаш методини ҳам қўлади, пиёз-гулдощларнинг бошқа турлари билан частиштириб кўрди, турли хил ўғитлардан фойдаланиб ўстирди, тупроқнинг таркибини ўзгартирди, вулконий кулга экиб қўйди ва ҳақозо. Минглаб тажрибалари 30 йил деганда, охири яхши натижа берди. У саримсоқнинг кимёвий таркиби, мазаси, барча фойдали хусусиятларини сақлаган ҳолда, аммо қўланса хиди йўқолган бир нави яратди. Бундай нав чой плантацияларида ҳар бир тупнинг қатор ораларига экилганда ҳосил бўлар экан. Чой томири саримсоқ бошидаги, чой барглари саримсоқ баргларидаги қўланса хидни батамом нейтраллаштиради.

Ўзбекистонда чой экилмайди. Лекин сиз куруқ чой ҳам саримсоқ хидини йўқотувчи неъмат эканлигини ушбу тажрибада синаб кўришингиз мумкин. Бир паррак саримсоқни ҳомлигича чайнанг ёки қора бўлка нон сиртига суртиб ёнг. Бунинг шарофати катта бўлиб, оғиздаги микробларни нобуд қилади. Хидини йўқотиш учун эса бир дамлам қора чойни оғизга солиб шиминг, кейин чайнанг, лекин ютиб юборманг. Сўнгра оғизни чайқанг, вассалом, сассиқ саримсоқ хидидан асар ҳам қолмайди.

Саримсоқ яхши неъмат, хидсиз бўлса, ундан ҳам яхши.

Меширувлар

ЖАРИМАЛАР СОЛИНДИ

Тошкент шаҳар табииати муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари тез-тез жойларда бўлишиб, у ерда йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликларни аниқлашади. Бунга сабаб бўлган кишиларга жарималар солинади. Қуйида мана шундай жаримачилардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

● Назоратчилар «Омад лодузи» масъулияти чекланган жамиятда бўлганларида ишдан чиққан люминисцент лампаларнинг ўз вақтида зарарсизлантирилмаганини аниқлашди. Бунга йўл қўйган корхона раҳбари Нурмухамедов ҳисобига 5500 сўм жарима солинди.

● Юнусобод туманидаги 247-мактабда кўмитанинг руҳсатсиз бир неча туп дархат кесилганлиги аниқланди. Бундай ўзбошимчаликни содир этгани учун шу мактаб директори Царевага 10 миңг сўм миқдорда жарима ёзилди.

● «Юксалиш — зар» хусусий фирмаси раҳбари Хўжаберганов артезиан қудуғидан олинётган сув учун махсус фойдаланиш руҳсатномасига амал қилмай унинг муддатини ўтказиб юборганлиги учун 11 миңг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

● «Узавтосаноаттранс» корхонасида ифлослантирувчи моддалар метёрий лойиҳаси тузилмаганлиги аниқланди. Шу тўғайли корхона директори ўринбосари Нигматов 16 миңг 320 сўм миқдорда жарима тўлади.

● «Омад-коммунал» ширкати раиси Абдукаримов эса руҳсатсиз бир неча туп дархатларни кесганлиги боис 16 миңг сўмлик жаримамга тортилди.

● Травматология ва ортопедия илмий-текширув институтида ҳам руҳсатсиз манзарали дархатларни кесиб ҳоллари содир этилди. Бунга ўз вақтида назоратига олманган участка бошлиғи Азизов 10 миңг сўм миқдорда жарима тўлади.

● «Орзу коммуналчи» раҳбари Ғайбуллаев ҳам кўмитанинг руҳсатсиз бир неча туп манзарали дархатларни кесиб ташлашга руҳсат берган. Унинг мана шу ўзбошимчилиги 16 миңг сўм жарима билан қопланди.

Межамкорлик

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ЭГА

«Тошкент мотор заводи» ҳиссадорлик жамияти Бектемир туманида жойлашган энг йирик ишлаб-чиқариш корхоналаридан биридир. Хозирги кунда корхонада 260 киши меҳнат қилмоқда. Унинг умумий майдони 40 гектардан ортик бўлиб, қуйидаги цехлар ишлаб турибди: қозонхона, гараж, компрессор цехи, ностандарт махсулотлар цехи. Корхонада артезиан қудуғи қазилган бўлиб, улардан биттаси ишлатилмоқда.

Ичимлик суви сифатида «Сувсоз» трести тармоғидан сув олиб ишлатилади. Ҳамма керакли ерларга сув ўлчагич асбоблари ўрнатилган. Ишлатилаётган сувнинг миқдори назоратга олинган. Артезиан қудуғидан олинган сув цехларида қозонхона сувини қайта ишлаши тизими тўлидирлиги турши ва ҳудуддаги экинларни сугоришга ишлатилади.

Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган цех учун эса сув кўшни «Водпроэнерго» корхонасининг артезиан қудуғидан олиб ишлатилади. Ичимлик сувини сарф қилмасдан ишлатиш корхонада яхши назоратга олинган. Ҳудудда ҳосил бўлаётган ҳамма оқова сувлар шаҳар канализацияси тармоғига ташланади. Сувдан фойдаланиш учун махсус руҳсатнома шаҳар табииати муҳофаза қилиш кўмитасидан 2005 йилгача олинган.

Атмосферага чанг-газларни чиқариш манбаларининг инвентаризацияси 2001 йилда бажа-

рилган бўлиб, хозирги кунда уларнинг 13 таси ишлайди. Чанг-газларни тозалаш ускуналари билан жиҳозланиши талаб қиландиган манбалар корхонада йўқ. Атмосферага чанг-газларни чиқариш метёрий ҳужжати (норматив ПДВ) ҳам 2001 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, унда режалаштирилган чора-тадбирлар ўз вақтида бажаришмоқда. Корхонада фақат табиий газ ёқилади, натижада атмосферага чиқаётган зарарли газларнинг миқдори нормал даражада келтирилган.

Корхона 2003 йилги ҳамма статистик ҳисоботларни тўғри тузган. Корхона балансида 29 та автомобиль бўлиб, улардан чиқаётган зарарли газларнинг нормал миқдори ҳар йил чоракда ўлчаб турилади. Гаражнинг ўз АЕКШСИ бўлиб, у ерга 2 та сигим ўрнатилган.

Корхонада тўпланадиган ахлат ва чиқиндиларни «Махсустрэнс» корхонаси олиб чиқиб кетади. Корхонада ҳосил бўлаётган қуйган люминисцент лампалар

«СЭЛТА» кўшма корхонасига қайта ишлаш учун топширилади. Шу билан бирга корхонада экологик масалалар бўйича баъзи бир камчиликлар ҳам бор. Хусусан, шаҳар табииати муҳофаза қилиш кўмитасига компенсация тўловлари бўйича қарз ўз вақтида тўланмапти.

- атмосферага чанг-газларни чиқаришга берилган руҳсатноманинг муддати тугаган;

- ностандарт махсулот цехида пайвандлаш постларидаги аспирация тизими ишламайди ва махсулот очик ҳавода бўёқлук билан бўялади;

- гаражда автомобилларни ювиш учун махсус жой ажратилмаган;

- компрессор цехида ерга мой тўкилган жойлар аниқланди ва қуйган люминисцент лампалар ўз вақтида зарарсизлантирилмагани учун корхона ва цех раҳбарларига нисбатан маъмурий жари-

ма чоралари кўрилди.

У.ШАМСИМУХАМЕДОВ, давлат нозир

## Шарқ дурдоналари

## ОЗ-ОЗ ЎРТАНИЎ ДОМО БЎЛУҲ...

● ХИҚМАТ. Бир вақт Хирот шаҳридаги фалакия мадрасасида ваъз ўқир эдим. Бир дарвеш: «Алиф тўғрилики ва ҳамма ҳарфлардан олдинлики қандай қўлга киритди?» деб сўраб қолди. Мен дедим: «Озодалик ва барча нарсалардан фориқлик билан. Кўрмайсаним, «бе»нинг нуқтаси (яъни доғи) борлиги учун, эгриликдан қутулиб, олдинга ўтолмайди!» дедим.

● Бир вақтда бир тўда дарвешлар билан бир шаҳарга етиб келдик ва шаҳар подшоҳининг золим эканини билдик. Бир-биримизга дедик: «Бу ерда туришга ният ва яшашга ҳаракат қилмайликки, зулм сабабидан диёр хор, золим эса, ўтда куйишга сазовордир. Агар бирор тоифа устига бало ёғилса, катта-ю кичикка баробар таъсир қилади.

Бир диёрга тушса, офат ва бало,  
Халок бўлар катта-кичик бегумон.

Бир далага тушса  
ёғину олов,  
Бирдек қуяр ҳўлу қурак  
ўша он!

У диёрдан кетишга қарор қилгач, татар мамлақати сари йўл олдик. Бир неча турк икки ҳуржун олтин билан бизга ҳамроҳ бўлдлар. Бундан огоҳ бўлган ўғирлар тоифаси изимиздан кела бошлади. Золим подшоҳ эса ўғирлар бизни қатл этиб, молимизни тортиб олишгач, уларни тутиб, ўзларини ўлдириб, таланган молни ўз хазинасига олиш мақсадида ўғирлар орқасидан лашкар юборди.

Дам олишга турганимизда одамлар овқат ейишга машғул бўлдлар. Дўстларидан бири менга деди: «Шу яқин атрофда ов қиладиган чашма бор, ёнимизда эса камон. Агар лозим кўрсанг, ўша жойга борайлик. Эҳтимол биронта ов домга тушиб қолар!» У ерга бориб бир пана жойга бекиндик. Ногоҳ бир жойдан ит овози эшитилди, мен уларга: «Туринглар, ит овози келяпти. Демак ўғирлар орқамиздан пойлаб юрипти, бориб карвонга хабар берайлик!» дедим. Карвонга бор воқеани айтдик, ҳамма ўрнидан турди, қанча қидирмайлик, ўғирларни топа олмадик, ва шовшиб йўлга тушдик... Кечқурундан то эрталабгача йўл юрдик ва бир манзилга етиб бордик. Икки эшагимиздан бири ўлиб, бири қолди. Ногоҳ ўнг тарафга боқиб, қирқта девсифат нопок қароқчини кўрдикки, ҳар бири тун мисоли даҳшатли, қўлидаги тиглари эса, нур каби ўткир ва шиддатли эди. Бу бадбахтларнинг ҳар бири момақалдирок каби шуъла гумбирлаб чинқирарди, қўлларидаги тиги эса, чаққон каби шуъла сочиб яряқарди. Улар бизга яқинлашган вақтда ҳаммамиз қалъа тепасига чиқиб яшириндик. Бир кун қалъа остида пойлаб ўтирдилар. Охири ўринларидан туриб, жўнаб кетдилар. Эшитишимча, улар қайтиб боришгач, золим подшоҳ билан ораларида жанг юз берибди ва икки томондан кўп киши ўлиб, дўзахга равона бўпти!

Қитъа:  
Муборак саналур,  
наҳс бўлса ҳам,  
Ўзаро жанг қилса икки  
ситамокор.  
«Икки золим жанги —  
мазлум нажоти»,  
Элда шундай деган  
улуғ накл бор!

## Ўзбекистон ва жаҳон

## ЯПОНИЯДА АЛИШЕР НАВОЙИ ТЕАТРИ ҲАҚИДА КИТОБ

Токиода «Япония-Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси томонидан Тошкентдаги Алишер Навоий номли театр биноси қурилишида Япония фуқароларининг иштироки тарихига бағишланган китоб нашр этилди.

Китобнинг дастлабки минг нусхаси Токиодаги «Кенпакуша» нашриётида босмадан чиқди. «Хотиралар. Алишер Навоий театри қурилиши ҳақида ёдномалар. Буюк Ипак йўлида японлар тўғрисида афсона» деб номланган ушбу тўпламда бир гуруҳ японларнинг хотиралари баён этилган.

Хотиралар китоби Япониянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси У.Магосаки ва «Япония-Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Н.Шиманинг асослари билан очилди.

«...Маҳаллий кишилар бизга ҳар-

бий асирлар сифатида қарашмас, аксинча нон, қурилган мева ва шунга ўхшаш бошқа қундалиқ емишлар ва тамаки бериб туришар эди. Бундай самимий муносабат аҳволимизни анчагина яхшилаб олишга сабаб бўлган». — дея хотирлайди Сакай Кинтаро.

У яна шундай ёзади: «Эсимда, қурилиш бўлаётган жой яқинида бир йилгит газли сув хотир эди. У баъзан бизга бепул сув улашарди... Яна бир эътиборли томони шундаки, маҳаллий кишилар бизни миллатимиз ёки ташқи кўринишимизга қараб ажратмас эди. Ўзбеклар ҳатто биз би-

лан давра қуриб, самимий суҳбатда бўлардилар».

Театр бунёдкорларидан яна бири Като Кинтаро Ўзбекистонда ўтган кунлари ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: «Асирларни собиқ Совет Иттифоқининг турли ҳудудларига мажбуран олиб кетишган. Шундай қилиб мен Ўзбекистонга келиб қолдим. Кейинчалик англашимча, кўп томондан омадим чопган экан... Ўзбек халқининг бизга бўлган меҳр тўла муносабати ҳамма нарсадан устун эди. Ўзбекистон заминидан абадий кўним топган биродарларим қабрларини ҳар гал зўраёт қилишга борганимда, уларнинг саранжом-сарошта ва ободлигини кўриб, кўнглим осмонга етади».

Муаллифлар янги китобни архив материаллари ва тарихий фотосуратлар билан мазмунан бойитган ҳолда ўзбек тилида чоп этишни режалаштирмоқда.

## ЯНГИ ҚўЛЛАНМА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти томонидан «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» қўлланмаси чоп этилди.

Энг қадимги даврдан 19 асгача бўлган даврни ўз ичига олган мазкур қўлланма республикамиз олий ўқув юртлирининг филология факультетлари учун муносиб совға бўлди.

Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўрганишда бадиий матн ва бирламчи манбалар билан иш юритиш, адабиёт намуналарига сўз санъатининг талабларидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлиш, мумтоз адабиёт вақилларининг ижодини ўрганишда уларнинг асарларида акс этган диний қадриятлар таъсирга ҳурматда бўлиш ҳамда мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар амалга оширилган бадиий матн нашрларини тўлдириш мақсадида қўлланма чоп этилди.

Мазкур қўлланмани чоп этишда ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўйича яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», «Ўзбек шеърятини антологияси», «Ўзбек адабиёти тарихи материаллари» ва бошқа тўпламларнинг ижодий таҳрибасидан фойдаланилди. Қўлланмада биринчи марта миф ва афсоналар, монийлик ва будда адабиёти намуналари, «Ўғузнома» дostonи ва айрим тарихий асарлар таркибидаги адабий манбалардан парчалар берилган. Қўлланмадан улуғ алломалар меросини ўрганишга хизмат қилувчи материаллар ҳам ўрин олган.

Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ижроя қўмитасининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

## ЁШЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзининг уч йиллик фаолияти мобайнида мамлакатимизнинг кўпчилик ёшларини ўз атрофида бirlаштираётгани, уларнинг муаммоларини ечишда, манфаатларини ҳимоя қилишда ҳаракат фаоллари, бошланғич ташкилотлари муайян ишларни амалга ошираётганлиги барчамизга маълум.

Ҳаракатнинг негизи — бошланғич ташкилот фаолиятини янада ривожлантириш, иш самарасини, таъсир кучини ошириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш, бошланғич ташкилот фаолиятига ёшларнинг бевосита муносабатини аниқлаш ва ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ҳаракатнинг марказий кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртлири талабалари ўртасида махсус сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижаларига кўра, бир қатор олий ўқув юртлиридаги бошланғич ташкилотларнинг фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги, иш режалари талабаларнинг хоҳиши, интилишлари, фикр ва таклифлари ўрганилмаган ҳолда тузилганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, талабаларнинг қундалиқ ҳаётига тегишли долзарб масалалар ақсарият ҳолларда муҳокама этилмаётганлиги, бошланғич ташкилотлар асосан турли хил тадбирлар ўтказиш билан банд бўлаётганлиги аниқланди.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги 28 та олий ўқув юртидан сўровномада қатнашган талабаларнинг 53 фоизи ҳаракатнинг фаолиятини ижобий баҳолаган бўлса-да, 38 фоизи ишнинг сезилмаётганлиги, ҳаракат фаоллари фақат турли тадбирлар ўтказиш билан банд бўлиб қолаётганлигини таъкидлашган.

Тошкент Давлат авиация институти, Санъат институти, Жисмоний тарбия институти талабаларининг 50 фоизидан ортиғи «Ҳаракат фаоллари ҳозирча нима билан шуғулланишларини ўзлари ҳам аниқ белгилаб олмаганлар» деб жавоб беришган. Сўровномада қатнашган 32 фоиз талабалар «Ҳаракат талабалар ўртасида таъсир кучига эга эмас» деб таъкидлаган. «Сиз ҳаракат фаолларига мурожаат этганингизда муаммонингиз ҳал этилганми?» деган саволга 27 фоиз талабалар «тўлиқ равишда», 35 фоизи эса «қисман» деб жавоб берган бўлса, Тошкент Давлат педагогика университетидан 45 фоиз, Рассомчилик ва дизайн институтида эса 44 фоиз талабалар «ҳал этилмаган» деб жавоб беришган. Талабаларга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини сиз учун керакли, фойдали ташкилот деб биласизми?», деган савол берилганда 62 фоиз талабалар «Ҳа, агар унинг зиммасига юклатилган вазифалар ҳаётда амалга оширилса» деб жавоб берган.

Австрия федерал канцлери маҳкамаси мамлакат маданий мероси, таниқли австриялик расом ва меъморлар ижод намуналари билан янада яқинроқ таништириш мақсадида хорижлик мўйқалам соҳибларини қўлаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш ташаббуси билан чиқди.

## РАССОМЛАР УЧУН ДАСТУР

Бу йил ушбу дастурда Ўзбекистонлик ёш расом Файрат Иброҳимов иштирок этди. Мамлакатимиз вакили уч ой мобайнида машҳур музей ва галереяларга таш-

риф буюриш, бошқа мамлакатлардан келган ҳамкасблари билан мулоқотда бўлиш ва ижодий анжуманларда иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур учрашувлар якунида ёш расом Ўзбекистоннинг Венадаги элчихонасида янги асарлар кўргазмасини намойиш қилди. Ҳамюртимиз мўйқаламига мансуб

ишлар билан Австрия ҳукумати, дипломатик корпус, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари ҳамда санъат ихлосмандлари яқиндан танишдилар. Федерал канцлер маҳкамаси бошқарила бошлиғи Норберт Ридл бундай лойиҳалар турли мамлакатлар ўртасидаги маданий мулоқотнинг кенгайтиришига хизмат қилишини таъкидлади.

## ЮҚОРИ СИФАТЛИ СПОРТ КИЙИМЛАРИ

Малайзиянинг TLWAY TEXCO компанияси Ўзбекистонда юқори сифатли спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи иккита қўшма корхона барпо этишни режалаштирмоқда.

Малайзия компаниясининг президенти К. Рамамуртининг сўзига кўра, қўшма корхона тузиш тўғрисидаги баённома ҳужжатлари «Малика» ОАЖ ва «Охунбобоев» номлидаги бош кийимлари фабрикаси» ЕАЖ билан имзоланди.

Имзоланган ҳужжатларга кўра, биринчи қўшма корхона «Malika-Tlway Texco»нинг низоми жамғармаси 2,1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бош кийимлар фабрикаси негизда ташкил этилаётган «Uz-Texco» қўшма корхонасининг

низоми жамғармаси эса 400 минг АҚШ долларидан иборат бўлади. Малайзия компанияси ҳар икки қўшма корхонада 51 фойздан улушга эга бўлса, ўзбекистонлик ҳамкорларнинг улуши 49 фоизни ташкил этади.

К. Рамамуртининг айтишича, компания жаҳондаги етакчи фирмалар — Adidas, Reebok ва Nikeнинг лицензиясига эга. Шуниси диққатга лойиқки, Малайзия компанияси Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотнинг саксон фоизи-

ни экспортга чиқаришни мўлжалламоқда. Дастлабки пайтда компаниямиз ҳам ашёни четдан келтиради, — деди К.Рамамурти. — Кейинчалик ўзбек тўқимачилари тайёрлаётган хом ашёдан фойдаланишни режалаштирляймиз. Биринчи босқичда кўзда тутилган инвестиция ҳажми 3 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Режага асосан, қўшма корхона тузиш тўғрисидаги таъсис шартномалари яқин кунларда имзоланади. Ҳуллас, шу йилнинг охирига қадар корхоналар ўзларининг илк маҳсулотини чиқара бошлайди. Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар юқори сифатли спорт кийимлари Марказий Осиё мамлакатларига фақат четдан келтирилди.

«Жаҳон» ва «Туркистон-пресс» ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

**Беч — қизик**

**ДАРМОНДОРИ  
БЕХИНИНГ  
ХОСИЯТЛАРИ**

Гап дастурхонимиз кўрки, ажойиб айва бўлган беҳи тўғрисида боради. Тилшунос олимлар Маҳмуд Қошғарий асарида бу мева, «авя» шаклида ёзилганини ашқидлашади. Рус, озарбойжон ва турк тилида эса «айва» деб ритилади. Абу Али ибн Синонинг «Тиб китоблари» II китобида ушбу ёзувга кўзимиз тушади. Беҳи сўзи форсча бўлиб, эски ўзбек тилида «хайва» дейилади.

Ўзбекистонда беҳининг 20 нави етиштирилади. Бу айва консерва санъати учун энг яхши хом ашё ҳисобланади. Чунинчи ундан қиём тайёрланади, нектар олинади, шарбатини чиқариб, консерва қилинади. Таркибида 75-80 фоиз сув, 8-15 процент шакар моддаси, 0,2 дан 1,5 фоизгача А, Д, С дармондорилари, турли органик жавҳарлар мавжуд. Беҳида дубил ва пектин моддалари сероб бўлгани учун у хушбўй хидга эга.

Абу Али ибн Сино беҳининг шифобахшиги тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтган: «Чўкка кўмирган беҳи енгилроқ ва фойдалироқ бўлади. У шундай пиширилади, ичини кавлаб уруғи чиқариб ташланади ва ичига асал солиб, устига лой чаглаб кўрга кўмилади».

Беҳи терлашни тўхтатади. — Беҳининг сиқиб олинган шарбати «тикка нафас олиш» ва астмада фойдалидир. У қон тўқлашни тўхтатади. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади, шиллиги ҳам ўпка найини юмшатади.

Беҳи қусишни тўхтатишда фойда қилади, чанковни босади, меъдани кучайтиради. Жуда ҳам камайган иштаҳани кучайтириш учун беҳидан шарбат тайёрланади. Бу шарбат яна меъдани кучайтириб, балғамни ҳам тўхтатади...

Беҳидан ўпка, меъда ва бошқа аъзоларни даволашда, гигиена нуқтаи назардан, устига лой чаглаб, кўрга кўмиш усулидан воз кечамизда ўрнига дувҳада ёки қасқонда пишириш усулларини тавсия этамиз. Бунинг учун беҳи яхшилаб ювилади ва ичи ўйиб олиниб «қосача» ҳосил қилинади. Ичига хоҳласангиз сариеғ, хоҳласангиз асал ёки янчилган ёнғоқ мағзига шакар аралаштириб, ёхуд бодом мағзи билан кишимининг гўлт қиймалагичдан ўтказилганини солиб тўқдирасиз. Ҳар бир беҳини ликопчага қўйиб қасқон қапагига жойлаштираёсизда, 35-45 минут давомида буглаб пиширасиз. Агар сиз дувҳада пиширмоқчи бўлсангиз, ликопчага сув қўйиб, дувҳока патниси устига қўйинг. Тепадан таъсир қиладиган иссиқ ва ликопчадаги сувнинг буғи билан хил-хил пишади.

Қуз ва қиш ойларида паловга беҳи солиб дамлашнинг ҳам катта физиологик аҳамияти бор. Агар тўй паловларига беҳи солиб дамлаш урф бўлса эди, бундан «упчиликнинг» саломатлигига катта наф тегади.

Беҳи палов, беҳи жарқоп, беҳи димлама ва беҳи мураббоси тўғрисида кўпчилик билса керак.

Қуни кеча шифокорлар малакасини ошириш, бугунги куннинг долзарб вазифаларини тиббий ходимларга етказиш мақсадида Шайхонтоҳур туманидаги 14-оилавий поликлиникада Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ ўн тўртинчи сессияси материалларини ўрганишга бағишланган «Ҳамиша хушёр, сезгир ва огоҳ бўлайлик» мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

— Юртимиз тинч бўлса маҳаллаларимиз обод оиламиз ҳам осойишта бўлади, — деди жумладан тадбирни очар экан туман ҳудудий тиббиёт бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳабиба Ирисқулова. — Оиламизнинг тинчлиги эса фарзандлар камоли, ишимиз унумининг кафолатидир. Шундай экан ҳар биримиз ҳаётга тийрак ақл кўзи билан қарашимиз, юртимизда бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисадан вақтида хабардор бўлишимиз, энг улур неъмат бўлган тинчликни сақлашга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Ўзбекистон телевиденисининг ходими, журналист Жаҳонгир Болтаев «Ҳамиша хушёр, сезгир ва огоҳ бўлайлик», республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази директори Самин Раҳимов, республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, педагогика фанлари номзоли Акром Акмаловлар «Терроризмнинг жадон халқларига таҳдиди» мавзуларида сўз юритиб, яқинда юртимизда тинч турмуш тарзимизга раҳна, одамлар юрагига эса ваҳима солиш мақсадида содир этилган воқеа-ҳодисаларнинг

барчаси тинчликпарвар кучлар кушандаси бўлмиш терроризмга бориб тақалли, унинг жirkanч иллатлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

— Шу юрт фарзанди бўлган инсон Ватан туپроғининг ҳар бир қаричини кўз қорачигидек сақлаши лозим, — деди жумладан Самин Раҳимов. — Бунинг учун ҳар бир юртдошимиз ватанпар-

ифали шифокор Озода Алимова. — Яъни Самарқанд Дарвоза, Янгйобод, Новза ва Олим Хўжаев маҳаллаларига хизмат кўрсатамиз. 66 нафар ўз касбининг жонқуяри бўлган шифокорлар, 48 нафар қўли енгил ҳамширалар очиқ чехра, юксак малака билан аҳоли саломатлигини тиклашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. «Оила шифокори» тизимида фаолият юритаётган поликлиникамизда ҳудудни 14 та дағага бўлган ҳолда иш олиб боришмоқда. Ҳар бир даҳаниннинг ўз шифокори, ҳамшираси бор. 14.000 нафар катталар, 1.500 нафар ўсмирлар, 6.445 нафар ёш болаларнинг соғлигидан вақтида хабардор бўлиш, етарли муолажалар кўрсатиш учун ҳудудларга бўлиб иш олиб бораётганимиз ўз самарасини бермоқда. Шифокор ва ҳамшираларнинг эса ҳар соҳада билимдон бўлишлари, малакаларини ошириш, ҳуқуқий саводхонлиги йўлида турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бермоқдамиз.

Тумандаги оилавий поликлиникалар шифокорлари, Олим Хўжаев маҳалласи фаоллари, Менежмент ва технология коллежи талабалари иштирок этган ушбу учрашув барча йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Буюк аллома, мавлоно Фузूलийнинг «Афсуски менинг биттагина жоним бор, агар мингта жоним бўлса ҳам шу Ватанга садқа қилар эдим» деган пурмаъно сўзлари ёдга олинган ушбу тадбир узоқ вақт эсда қолиши, ҳар бир иштирокчини сезгир ва огоҳ бўлишга чорлаб туришига шубҳа йўқ.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА

**Учрашувлар**

**ТИНЧЛИК — ЭНГ  
УЛУФ НЕЪМАТ**

Дунёдаги қатор касблар орасида шифокорликни энг улур, шарафли, аини пайтда жуда маъсулиятли касблар сирасига қўшасангиз хато қилмаган бўламиз. Бугунги кун шифокори зиммасида эса маъсулият яна ҳам юқори. Чунки шиддат билан одимлаётган асримизда «оила шифокори» мақомида иш юритаётган ҳар бир шифокор давр билан ҳамоҳанг қадан ташлаши, юртимизда бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисадан хабардор, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлиги юқори бўлмоғи керак.

вар, фидойи бўлмоғи керак. Бўлаётган воқеа-ҳодисалар бизни сезгирликка, хушёрликка чақирishi лозим. Юртдошимиз Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ ўн тўртинчи сессиясида бекорга қуйиб, ёниб гапирмадилар. Фарзандларимизга меҳр беришимиз керак. Ёшиқдан меҳр-муҳаббат оғушида катта бўлган ҳеч қайси ёш эртага ўз ватанини сотмайди, турли оқимлар таъсирини тушиб ота-она қаддини букмайди. Маънавияти тўқ инсонгина юрт қадрини, тинчлик-осудалик муқаддас эканлигини жуда яхши англайди...

— 14-оилавий поликлиникамиз 22.759 нафар аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди биз билан суҳбатда поликлиника бош шифокори, олий то-

да турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бермоқдамиз.

Тумандаги оилавий поликлиникалар шифокорлари, Олим Хўжаев маҳалласи фаоллари, Менежмент ва технология коллежи талабалари иштирок этган ушбу учрашув барча йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Буюк аллома, мавлоно Фузूलийнинг «Афсуски менинг биттагина жоним бор, агар мингта жоним бўлса ҳам шу Ватанга садқа қилар эдим» деган пурмаъно сўзлари ёдга олинган ушбу тадбир узоқ вақт эсда қолиши, ҳар бир иштирокчини сезгир ва огоҳ бўлишга чорлаб туришига шубҳа йўқ.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Ў Қ И Ш Г А М А Р Ҳ А М А Т !!!**

**Ҳамза Қурилиш касб-хунар коллежи 2004-2005 ўқув йилига  
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Кундузги бўлимга 9-синф ҳажмида қуйидаги йўналишлар бўйича

**Ўқувчилар қабул қилинади**

1. Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси ва қурилиш дурадгори.
2. Ёгочга ишлов бериш ва мебеллар ишлаб чиқариш бўйича уста.
3. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог.
4. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича механик.
5. Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш бўйича мутахассис.
6. Бухгалтер — аудитор.
7. Газ таъминоти тизими жихозларини йиғиш ва таъмирлаш бўйича механик.
8. Автомобиль воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва та-

мирлаш бўйича механик.

9. Иш юритиш ва архив иши бўйича мутахассис.
10. Менежмент.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

1. Директор номига ариза
2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли)
3. Тиббий маълумотнома (08бшакл)
4. Тузилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси)
5. Турар жойдан маълумотнома
6. 6 дона фотосурат (3х4)

**Бизнинг манзил:**

Слонима кўчаси, 113-уй. Автобуслар: 15,23,54,26,61, 106 «Иззат» бекати. Тел: 94-42-32.

**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Республика хунар-техника билим юрти тўрт қатмали ётоқхонани капитал таъмирлаш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Бажариш муддати 2 ой.

Объект манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутғий кўчаси, 47-уй. Таъмирлаш ишлари Давлат бюджетни ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари пред-

мети қийматининг камида 20 фоиз миқдорига дағи айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва малакаларига,

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Таклифларни эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ҳафта ичида беришангизни сўраймиз.

Мурожаат учун телефонлар: 78-78-80, 173-86-01.

**«Ўзбек давлат цирки»**

республика бирлашмасига бичувчи ва тикувчи керак.

Телефонлар: 144-64-11, 144-35-09

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА  
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

• кенг ассортимент • арзон нархлар •

**КАНЦТОВАРЛАР  
ҚОҒОЗ ВА БЛАНКАЛАР**  
биринчи қўлдан!!!

OFFICE X TRADING

199-42-22, 199-43-33

www.officetrading.com

Офисингиз учун  
хил-на нафиса

Маълумот сертификатининг

• Улгурки микозларга тошкент шаҳри бўйича БИИУД откетиби бериш •

**Спорт**

**ЧАВАНДОЗЛАР  
МАҲОРАТ  
КЎРСАТИШДИ**

Республика отчопаарида тўла дастур бўйича ўтказилган шахсий ва жамоа ҳисобидаги Ўзбекистон чемпионатида кучли чавандозлар кутилганидек, голиб ва совриндорлар сафидан ўрин олишди.

От йўрттириш йўналишида ҳамшаҳримиз А.Лисак ўзининг Калина лақабли отида кичик, ўрта ва катта мукофотлар соҳиби бўлди.

5-7 ёшли отларда учқураш баҳсида Дифозган лақабли отда пойтахт вилояти вакили О.Абдувалиев барча рақибларини ортда қолдирди. 7 ва ундан катта ёшдаги отларни йўрттиришда Н.Тўғқбоев Рейс-Федер лақабли отида 70 очко жамғаргани ҳолда голиб чиқди ва спорт устаси талабларини бажарди.

Конкур йўналишининг турли машқларидан тўсиқлардан ошиб ўтишда ҳамшаҳримиз А.Локтев Монах лақабли отида олтин нишонни кўлга киритган бўлса, Х.Олимжонов (Андижон вилояти), И.Содиқов (Тошкент вилояти) ҳам голиблар сафини бошқаришди.

Умумий ҳисобда пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳри, қасаба уюшмалари жамоалари дастлабки учта ўринни эгаллашди.

**РИНГДА  
ИҚТИДОРЛИ  
БОКСЧИЛАР**

Андижон шаҳрида юртимизда бокснинг куртак ёзиб ривожланишига катта ҳисса қўшган, кўплаб иқтидорли чарм кўлқоп усталарини тарбиялаган Сидней Жаксон хотира-сига бағишланган турнир бўлиб ўтди.

Бокс бўйича ўтказилган мазкур мусобақаларда республикамизнинг деярли барча вилоятларидан, шунингдек қўшни Қирғизистон Республикасидан ҳам етакчи чарм кўлқоп усталари иштирок этди.

Беллашувлар жами 51 битта вазнда ўтказилиб 5н килограммгача, 91 килограммгача ва 91 килограммдан юқори вазнларда тошкентлик боксчилар — Музаффар Ҳасанов, Спартак Бахтиёров ва Жамшид Ҳусановлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан ўрин олишди.

Жиззахлик боксчилар ҳам учта вазн тоифасида голиб чиқишди.

Голиб ва совриндорлар Фаҳрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

Мухлису мутахассислар футбол-Ватани ҳисобланмиш Англия термасининг турли юқори даражадаги турнирлардаги иштирокини катта қизиқиш ва синчковлик билан кузатиб борадилар. Нега деганда, Англия терма жамоаси жаҳон ва Европа чемпионатларида доимо жуда кучли таркибларда иштирок этса-да, фақат бир марта — 1966 йилда курраи замин чемпиони бўлганлигини ҳисобга олмаганда, зафар қучмаган. Кўпинча у турли сабабларга кўра, чорак ёки ярим финал учрашувларида «қоқилиб» қолади.

Бу гал унчалик кучли гуруҳга тушмаган инглизлар учун Европа чемпионати бир мунча муваффақиятли кечмоқда. Жамоа таркибидаги Бэкхэм, Скоулз, Оуэн, Хески, Невилл, Коул каби юлдузларни санаб ўтишга эса ҳоҳжат бўлмас керак.

Чорак финалга чиқувчи жамоа тақдирини ҳал этувчи «В» гуруҳидаги охириги ўйинда англиялик футболчилар Хорватия терма жамоаси билан баҳс юритишди.

Кутилмаганда 5-дақиқада Нико Ковачининг аниқ зарбаси орқали хорватлар ҳисобни очишди. Шундан кейин майдонда инглизларнинг ҳужумкор ўйини бошланди. Биринчи бўлимнинг 40 ва 45 дақиқаларида Пол Скоулз ва Уэйн Руни киритган тўплардан сўнг инглизлар олдинга чиқиб олишди.

Иккинчи бўлимнинг 68-дақиқасида Уэйн Руни ҳисобни оширди. 73-дақиқадаги Игорь Тудор хорватлар-

нинг иккинчи тўпини киритди. 79-дақиқада Франк Лэмпард (Англия) учрашувда сўнгги нуқтани қўйди. Ушбу галаба инглизларга чорак финалга йўл очди. Энг муҳими, гуруҳда ўтказилган уч ўйинда тўртта тўп киритган инглизларнинг 19 ёшли

ния беллашуви кескин, мурасисиз ва чиройли голларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди.

Биринчи бўлим Йон Дал Томассоннинг 26 дақиқадаги аниқ зарбасидан сўнг 1:0 ҳисобида данияликларнинг галабаси билан яқунланди.

47 дақиқада Хенрик Ларссон (Швеция) ҳисобни тенглаштирди. 66-дақиқада Томассон яна бир бор данияликларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Шведлар ҳужумчиси Маттиас Юнсоннинг баҳс охирида киритган голи ўйинда дуранг натижани юзага келтирди. Қизғин шундаки, ушбу дуранг бирварақайига ҳам Швеция, ҳам Дания терма жамоаларининг чорак финалга чиқиши учун замин яратди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Италия ва Болгария термалари майдонга тушишди. Мазкур ўйинда жуда кучсиз ҳисобланган болгарлар 45-дақиқада Мартин Петровнинг пенальтидан киритган тўпи орқали ҳисобни очишди. Иккинчи бўлимнинг 46-дақиқасида италиялик футболчилар — Симоне Перротта, Қўшимча вақтда эса Антонио Кассано томонидан киритилган икки тўп ва жуда қийинчилик билан эришилган галаба ҳам Италия термаси жонига оро кира олмади. Таркиби юлдузларга бой бўлган италияликлар икки дуранг ва бир галабага эришган ҳолда гуруҳда учинчи ўринни эгаллаб чемпионатни тарқ етишга мажбур бўлишди.

Бугун «D» гуруҳида Голландия-Латвия, Германия-Чехия ўйинларидан сўнг охириги чорак финалчилар аниқланади.

Дилнод ИСРОИЛОВ

*Европа чемпионати*

**КУЧЛИЛАР  
САРАЛАНМОҚДА**

Кун сайин Европа чемпионатида кучлилар сараланиб, чорак финалга чиқувчи жамоалар номи маълум бўлмоқда. Албатта, бунда кутилмаган натижалар қайд этилиши, нуфузли жамоаларнинг курашини тўхтатишга мажбур бўлиши ҳоллари ҳам рўй бермоқда.



ҳужумчиси Уэйн Руини кўпчилик мутахассислар футбол қироли Пеледан сўнг чақнаган энг ёш ёрқин юлдуз сифатида таърифлашмоқда. Бунинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигини эса вақт кўрсатади.

Франция-Швейцария учрашуви ҳам жуда қизиқarli кечди. 20-дақиқада ажайиб спорт формасида бўлган французлар етакчиси Зинеддин Зидан боши билан чиройли зарба берган ҳолда ҳисобни очди ва турнирдаги ўзининг учинчи тўпини киритди. 26-дақиқада Швейцария термаси ҳужумчиси Йохан Фолланден киритган тўп дуранг натижани юзага келтирди. Биринчи бўлим шу ҳисоб билан яқунланди.

Французлар ҳужумчиси Тьерри Анри иккинчи бўлим қаҳрамонига айланди. 76 ва 84-дақиқаларда Анри киритган икки тўп французларнинг 3:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади. Шундай қилиб, гуруҳда икки галаба ва битта дуранг натижага эришган Франция термаси ҳам чорак финалга йўлланма олди.

Кеча «С» гуруҳида сўнгги учрашувлар бўлиб ўтди. Бунда Швеция-Да-

*Шифобахш ичимликлар*

**ЎРИК ЧУЛИСИ**

Айни ёзнинг оташнафас кунлари, жазирама иссиқлик одамнинг тинка-мадорини қуритаётган паллаларда салқингина, муздек ўрик чулиси (компотидан бир симирлабдиган бўлса, кишини нечоғлик тийраклаштиришини, ҳузурбахш этишини кўйверасиз.

Ўриқнинг қанчалик шифобахш эканлигини таъриф этишга ҳоҳат йўқ. Ўрик меваси сархиллигича ёки қоқи сифатида (туршак, баргак) истеъмол қилиниши билан бирга ундан шарбатчули (компот) тайёрлаб ичилиши мумкин. Ўрик шарбати нафақат ҳузурбахш чанқовбосди ичимлик бўлибгина қолмасдан, балки юрак огриғида, хафакон касаллигида, қабзиятда фойдалри ҳисобланади, у кишига дармон бағишлайди, камқонлик билан огрийдиган кишиларга даво бўлади. Ўрик чулиси таркибида дармондорилар шодаси яхши сақланиши туфайли, изтиробли хасталикларни бошидан кечирган, ҳолсизланган беморлар учун ҳам жуда фойдалидир. Ўрик таркибида мавжуд бўладиган қалий унсурни юрак-қон томир тизими касалликлари билан огриган беморларга нафли ҳисобланади, ичимлик сафрони ҳайдайдди, ҳаяжонли қонни тинчлантиради, кекиришдан холи этади.

Ўрик чулисини тайёрлаш жуда жўн. Бунинг учун айни пишқичликда сархил ўрик мевасидан 200 грамм, туршак бўлса 100 грамм микдорда олиниб 1 литр сув билан энгил алангада чорак соат қайнатиб, сузиб олинади. Шарбат салқин жойларда сақланади. Агар хонадон бисотида олча, кўксултон, эртанги олмалар бўлса, муштарак таркибли чулиларнинг ҳузурбахшлиги янада ортади.

Ўрни келганда шунни таъкидлаб ўтиш лозимки, хозирда жазирама ҳароратда чанқаб турган кўча-кўйдаги кишилар ҳар қандай чанқовбосди ичимликка ошиқадилар. Бундан фойдаланган баъзи олгирлар арзимаган сахарин қўшиб, шарбат салмоғини сув билан оширадилар. «Ўрик шарбати» сотилаётган жойлардан чанқоқ қолдирмоқ истагингиз бўлса, қафолатномани сўрашни унутманг.

**Маннон НАБИЕВ,  
доришунос.**

**“ИШЛАБ ТОП!”**

Жаноб тадбиркорлар ва муқтарам корхона раҳбарлари!

Биз шаҳирон, оқсарлар, тайратга тўла ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг таъриб ва кўшимчиси билангина. Райрат ва таърибдан беришганини вақт келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериши эли қисса йўли.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» иқтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун максимий иш ўринларини тақдим этишини таъкиф қилади. Кўшимча маълумотларни

**137-72-20, 137-72-21**

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

[www.tashkentkamolat.uz](http://www.tashkentkamolat.uz)  
[www.2oxygen.com](http://www.2oxygen.com)  
[www.kvn.uz](http://www.kvn.uz)

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт ўйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.



**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.  
4127 нускада босилди. Қўни биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмохонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Тўрону кўчаси, 41-уй.